

РАСМИЙ ТИББИЁТМИ ЁКИ ХАЛҚ ТАБОБАТИ
КЛИНИК ФАНЛАР КАФЕДРАСИ АЛФРАГАНУС
УНИВЕРСИТЕТИ

Фан доктори, Доцент

Рузимухаммад ХОННАЗАРОВ

Аннотация: Табиат инсонга муҳтож эмас, аммо инсон табиатга муҳтождир. Табиат инсонга озиқ-овқат етказиш учун инъом этилган. Гарчи буюк бобокалонимизнинг барча қўлёзмалари ҳозиргача тўлиқ етиб келмаган бўлса-да, сақланиб қолган маълумотларнинг ўзидан ҳам бутун дунё тиббиётида кенг фойдаланилади. Бу борада яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳам Абу Али ибн Сино ворислари сифатида баҳоликудрат доривор гиёҳларни ўрганиш устида иш олиб бораётган мутахассисларимиз ва қизикувчиларимизнинг борлиги қувонарли ҳол.

Калит сўзлар: кимёвий препаратлардан муҳофаза қилиш, жисмоний машқ, профилактика, Тиб қонунлари, акупунтура,

Тиббиёт илми ниҳоятда ривожланган бўлсада, халқ табобатига қизиқиш кучаяётгани ҳам рост. Кўпчилик организмини кимёвий препаратлардан муҳофаза қилиш мақсадида халқ табобатига мурожаат қилмоқда.

Африкада дорихонани ёки врачни қидириб топиш табибни топишга нисбатан анча қийинрокдир. Хитойда эса амалда тиббиёт ва халқ табобати ўртасида фарқни топиш мумкин эмас. Ҳар иккала йуналиш ягона соғлиқни сақлаш тизимида уйгуналашган ҳолда олиб борилади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти халқ табобатини ўсимликлар, ҳайвон маҳсулотлари ва минераллардан фойдаланган ҳолда касалликларни даволаш усуллари мажмуудир деб ҳисоблайди. Шунингдек, турли хил касалликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва даволаш учун жисмоний машқ ва маҳсус усулларни қуллашдан иборат фаолият деб тушунтиради. Халқ

табобати инсоннинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилиши лозим деб ҳисоблайди

ЖССТ маълумотларига кўра, ҳалқ табобати ривожланаётган давлатларда жуда оммалашган, биринчи дунё мамлакатларида эса етакчи мавқега эришмоқда. Эътибор беринг, Хитойда барча дори воситаларининг 50 фоиз ўсимликлардан қадимий усулда тайёрланади. Статистик маълумотларга кўра, Европа ва Американинг тахминан 50 фоиз аҳолиси касалликларни даволашда ҳалқ табобати усулларидан фойдаланади. Германияда эса аҳолининг 80 фоиз ҳалқ табобатига мурожаат қиласди. У ерда шифокорлар ҳалқ табобати бўйича курсларни ўтамокда.

Ҳалқ табобатининг ютуғи беморни руҳан шифо топишга ишонтиришдир. Бироқ шу билангина иш битмайди. Расмий тиббиётда, айтайлик, янги дори воситаси йиллар давомида клиник синовдан ўтади, аммо ҳалқ табобатида касалликларни даволашда ҳар қандай ўсимликтан фойдаланиш учун янги рецепт, агар у илм-фан ёки тажрибада тасдиқланмаган бўлса, унинг фойдасини шубҳа остига қуиши мумкин. Мисол учун, озишда қўллаш учун хитой эфедрасидан нотуғри тайёрланган дори воситаси туфайли АҚШда ўнлаб одам вафот этган.

Ҳалқ табобатида қўлланиладиган қўплаб дори воситалари клиник синовлардан ўтмаган ва яқин келажакда синовдан ўтишига ҳам кузимиз етмайди. Ҳалқ табобатининг табиий шифобахш гиёҳлардан тайёрланган, шифобахш озуқалар сирасига кирадиган даволаш воситаларининг сунъий-кимёвий дори воситалари нуқтаи назаридан талқин қилиниши мутлақо нотуғри. Масалан, асал ҳалқ табобатида дори. Расмий тиббиётда эса дори воситаси эмас. Бу борада «Тиб қонунлари» асосида ўзбек ҳалқ табобати доришунослик илми нуқтаи назаридан баҳоланадиган маҳсус меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, ҳалқ табобатида қўлланиладиган баъзи бир услублар клиник синовдан муваффақиятли ўтган ва салмоқли натижаларга эришган.

Масалан, игна билан даволаш (акупунтура — Хитой халқ табобати усули). Бугунги кунда Хитой халқ табобатининг бу усули дунёда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда Ибн Сино таълимотига асосланган халқ табобати усуллари ва табиий шифобахш гиёхлардан кенг фойдаланилади. Энг муҳими, халқ табобати дори воситалари арzon ва ҳеч қандай акс таъсирга эга эмас.

Ривожланаётган мамлакатларда расмий тиббиёт имкониятларидан фойдаланишга ва кундан-кунга нархи ортиб бораётган дори воситаларини сотиб олишга ҳамманинг иқтисодий имконияти етарли эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кунда bemорларнинг Кўпчилиги, биринчидан, арzon, иккинчидан, табиий ва энг муҳими, самарали бўлган халқ табобатига мурожаат қилмоқда. Хитой, Филиппин, Вьетнам каби мамлакатларда халқ табобати соғлиқни сақлаш тизимининг бир қисми хисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу соҳада айнан шундай ёндашув булса, ижобий самара бериши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-5 жиллар. Тошкент – 2023
2. Боситхон Шоший. Тибби Боситий. Тошкент. Ўзбекистон 2008
3. Хонназаров. Р. А. Халқ табобатини Давлат миқёсида ҳуқуқий тартибга солиш. Автореферат. 2023
4. Маҳмуд Ҳасаний. Табобат Хазиналари. Тошкент 2003